



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Qumqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston shoh ko‘chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, gumhok@exat.uz

2020 -yil “ 3 ” декабр

Қ-1863 -son

Qumqo‘rg‘on t.

Тумандаги “OLTIN BOSHOG‘ 100” номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш ва ижарага ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10, 11-моддаларига мувофиқ, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 26 ноябрдаги 54-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 26 ноябрдаги 54-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Ўтказилган танлов якунига асосан ғолиб деб топилган Махманов Эшпулат бошлиқ “OLTIN BOSHOG‘ 100” номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этилсин ва унинг Низоми рўйхатга олинсин ҳамда “Наврўз” массиви “Давлатсой” маҳалла фуқаролар йиғини худудида хўжалик харитасининг 432, 464қ, 465-дала контурларидан жами 34,70 гектар, шундан 32,70 гектар суғориладиган экин ер майдони, 1,60 гектар ариқ, 0,40 гектар йўл ер майдони 40 (қирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Х.Йўлдошевга туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш, фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ер участкасини узок муддатга ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман Давлат хизматлари маркази раҳбари Н.Мўминовга фермер хўжалигини Давлат рўйхатига олиш вазифаси юклатилсин.

5. Фермер хўжалиги раҳбарига ўз хошига кўра тижорат банкларининг биридан ўзининг ҳисоб рақамини очиш тавсия этилсин.

6. Туман ҳокимлиги девонхона бўлими (Ш.Чориев)га мазкур “OLTIN BOSHOG’ 100” номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров

TO'G'RI
ZBEKISTON RESPUBLIKAS
SURXONDARYO VILOYAT
QUMQO'RG'ON TUMAN
HOKIMI UMUMIY
BO'LIM MUDIR

Ўзбекистон Республикаси
Ҳукумати
Р.Б. Ғаппаров ва

Давлатчилик ва
демократия
Ушбаевлар Ғаппаровлар
тоқонаси

Ариза


Ғаппаровларнинг ўзининг халқ билан
муносиб муносабати туғрида 432, 465
қонунлардан туғрида 34.7 ва ер билан
доққондан қарқинчилар ва халқ билан
қилган ишқарилардан қарқинчилар
билан тўқонаси билан халқ билан
ер билан қарқинчилар билан қарқинчилар
қарқинчилар билан қарқинчилар билан

Ғаппаров Ғ.
16/11-2020

Ғаппаров Ғ.

ON TUMANI HOKIMLIGI	SAHIFALARSONI	
	KIRISH NO	2439/01-41
	SANASI	16.11.20

ЎЗБЕКИСТОН
ЕР
26.11.20



2020 у « 18 » ноябр

№ Қ-1783

« » 20 Г

Тумандаги “Султон” номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ихтиёрида бўлган ерларни қисман туман хокимлиги захира ер майдонига олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг IV-боб, 36-моддасига, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунининг VI-боб, 32-моддасига, тумандаги “Султон” номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги бошлиғи С.Шаймардановнинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “Султон” номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги бошлиғи С.Шаймардановнинг туман ҳокими номига ёзган аризаси қаноатлантирилсин.

2. Тумандаги “Султон” номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг “Наврўз” массиви хўжалик харитасининг 432, 464к, 465-дала контурларидан жами 34,70 гектар, шундан 32,70 гектар суғориладиган экин ер майдони, 1,60 гектар ариқ, 0,40 гектар йўл ер майдони туман хокимлиги захирасига қайтариб олинсин.

Бундан кейин “Султон” номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг хўжалик харитасида 434, 434а, 430, 431, 435, 422, 437, 438, 438а-дала контурларида жойлашган жами 95,2 гектар, шундан 76,0 гектар суғориладиган экин ер майдони, 0,10 гектар тут, 6,60 гектар яйлов ер майдони, 0,30 гектар қурилиш тагидаги ерлар, 4,0 гектар ариқ, 2,40 гектар йўл, 5,60 гектар кишлок хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони этиб белгилансин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи в.в.б Х.Йўлдошевга “Султон” номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ва ер хисоботига ҳамда туман хокимлиги захира ер майдонининг ер хисоботига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

4. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясига ушбу захирага олинган 34,70 гектар ер майдонига танлов ўтказиш вазифаси юклатилсин.

**Surxondaryo viloyati Qumqo'rg'on
tuman fermer, dehqon xo'jaliklari va
tomorqa yer egalari Kengashi**

190900, Surxondaryo viloyati, Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shox
ko'chasi 3-uy



**Сурхондарё вилояти Қумқўрғон
туман фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа ер
эгалари Кенгаши**

190900, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани, Ўзбекистон шох
кўчаси 3- уй

2020 йил «25» ноябрь

Қумқўрғон тумани

№927

Сурхондарё вилоят Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг Қумқўрғон туманидаги “Давлатсой” мфй фуқароси Махманов Эшпўлатга фермер хўжалиги учун ер майдони олишга муносиб ёки номуносиблиги ҳақида.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15-декабрдаги “фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 362-сонли қарорига кўра, фуқаро Махманов Эшпўлатга фермер хўжалик юритиш учун қўшимча ер майдони (участкалари) берилишига муносиб ёки номуносиблиги бўйича, Қумқўрғон туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларқи Кенгаши хулоса бериш учун ўтказган суриштирув текширув натижасида қуйидагиларни аниқлади:

1. Қишлоқ хўжалигида иш стажы 20 йил, қишлоқ хўжалигида тажрибаси бор.
2. Маълумоти ўрта
3. Талабгорнинг 10 бош қорамол, 20 бош қўйи мавжуд.
4. Талабгорнинг 2 та МТЗ-80 трактори ва дамас автомобили мавжуд.
5. Талабгорнинг 10 та ишчи кучи мавжуд.
6. Талабгорнинг иқтисодий асосланган бизнес режаси мавжуд.
7. Талабгорнинг мавжуд 0,20 га томорқасига сабзаёт экинлари экиб, самарали фойдаланиб келмоқда.

Юқоридагиларга кўра, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши қуйидаги хулосага келди.

Қумқўрғон тумани “Давлатсой” маҳалласида яшовчи Махманов Эшпўлатга Наврўз ҳудудидан фермер хўжалиги юритиш учун ер майдони (участкалари) ажратилишига муносиб.

Ушбу хулоса аризалар билан биргаликда туман “Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси”га юборилсин.

**Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа ер эгалари
Кенгаши раиси:**

№2439-2468/01-20
16.11.2020 й

А.Самадов